

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2017 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 1552,3 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижада олинди.

2016 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 89,7 млрд. сўм ёки 6,1%га ошган.

2017 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2016 йилнинг январь-ноябрига нисбатан фоизда</i>
Жами	1552,3	94,2
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	56,4	7,1м
Ишлаб чиқарадиган саноат	1361,3	54,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-54,0	60,5
Қурилиш	8,8	58,3
Савдо	322,4	78,0
Ташиш ва сақлаш	-3,4	50,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8,3	109,5
Ахборот ва алоқа	0,04	19,3м
Кўчмас мулк билан операциялар	12,1	96,6
Профессионал, илмий ва техник фаолият	-162,9	5,9
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,4	16,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1,3	5,8м
Бошқалар	1,6	80,7

Ижобий молиявий натижада (фойда)нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига – 1361,3 млрд. сўмга, савдо корхоналарига – 322,4 млрд. сўмга, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш – 56,4 млрд. сўмга тўғри келади.

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишилоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микро фирмаларсиз.

Салбай молиявий натижа (заар)нинг асосий қисми профессионал, илмий ва техник фаолият корхоналарига минус 162,9 млрд.сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналарига минус 54,0 млрд. сўмга тўғри келади.

2017 йилнинг январь-ноябрь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Олмалиқ КМК” АЖ (160,7 млрд.сўм), “Ўзавтосаноат” АК (57,6 млрд.сўм), “Ўзнефтмаҳсулот” АК (52,0 млрд.сўм), “Ўзкурилишматериаллари” АЖ (25,4 млрд.сўм), “Ўзвиносаноатхолдинг” ХК (12,3 млрд.сўм), “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК (7,2 млрд.сўм)га таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши “Ўзкимёсаноат” АЖ-134,3 млрд. сўмга, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК – 109,5 млрд.сўмга, “Ўзбекэнерго” АЖ 47,3 млрд.сўмга, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ – 5,1 млрд. сўмга, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлиги – 3,8 млрд. сўмга, “Ўзэлтехсаноат” АК 1,9 млрд. сўмга юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

2017 йилнинг январь-ноябрь ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2016 йилнинг январь-ноябрьга нисбатан фоизда</i>
Вилоят бўйича:	1552,3	94,2
<i>шахарлар:</i>		
Олмалиқ	556,5	71,9
Ангрен	-181,9	10,6
Бекобод	180,9	101,8
Чирчик	74,3	27,0
<i>туманлар:</i>		
Оққўрғон	0,5	152,6
Оҳангарон	418,7	5,5м
Бекобод	0,2	185,9
Бўйронлиқ	6,6	109,3
Бўка	2,4	70,1
Зангиота	0,1	124,7
Кибрай	163,5	55,9
Кўйичирчик	8,3	46,2
Паркент	131,1	82,2
Пискент	3,4	96,1


	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2016 йилнинг январь-ноябрига нисбатан фоизда</i>
Ўртачирчиқ	0,7	90,4
Чиноз	61,4	86,8
Юқоричирчиқ	43,9	95,4
Янгийўл	28,7	8,1м
Тошкент	53,0	-

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Олмалиқ шаҳар 557,2 млрд.сўм (жами фойданинг 30,7%), Оҳангарон шаҳар 326,7 млрд.сўм (18,0%), Бекобод шаҳар 180,9 млрд.сўм (10,0%) ва Зангиота тумани 163,5 млрд.сўм (9,0%)га тўғри келади.

Зарарлар. 2017 йилнинг январь-ноябрь ойларида 12 та корхона ва ташкилотлар 260,5 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми “Ўзқимёсаноат” АЖ – 180,9 млрд.сўм (69,5%), “Ўзбекэнерго” АЖ корхоналари – 55,6 млрд.сўм (21,4%), Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлиги – 5,6 млрд.сўм (2,1%), “Тошсаҳартрансхизмат” АК – 4,0 млрд.сўм (1,5%)га юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.


2017 йилнинг январь-ноябрида зарар қўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари (жамига нисбатан фоизда)



**2017 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар
кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар суммаси</i>	
		<i>млн.сўм</i>	<i>жамига нисбатан фоизда</i>
Жами	12	260470,9	100
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	1	697,1	0,3
Ишлаб чиқарадиган саноат	3	3412,3	1,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5	71266,1	27,4
Қурилиш	1	185,9	0,1
Ташиш ва сақлаш	1	4007,2	1,5
Профессионал, илмий ва техник фаолият	1	180902,3	69,4

**2017 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар
кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(жамига нисбатан фоизда)**



Зарарларнинг асосий қисми профессионал, илмий ва техник фаолият – 180,9 млрд. сўм (жами зарарнинг 69,5 %), Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 71,3 млрд. сўм (27,4 %), Ташиш ва сақлаш – 4,0 млрд. сўм (1,5 %), электр, ишлаб чиқарадиган саноат – 3,4 млрд. сўм (1,3 %).

2017 йилнинг январь-ноябрида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн.сўм</i>
Вилоят бўйича:	12	4,3	260470,9
<i>шаҳарлар:</i>			
Олмалиқ	1	5,9	697,1
Ангрен	4	18,2	241016,7
Чирчиқ	1	4,5	5551,7
<i>туманлар:</i>			
Қибрай	2	5,3	5785,9
Ўртачирчик	1	7,7	1495
Юқоричирчик	1	8,3	4007,2
Янгийўл	2	10,5	1917,3

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати¹⁾

2017 йил 1 декабр ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий хажми 4285,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 884,3 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 20,6%.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2016 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиширганимизда 27,8 марта ошган, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 67,1% ташкил қилди.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Қибрай туманида 705,4 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 16,5%), Олмалиқ 698,8 млрд. сўм (16,3%), Чирчиқ 533,9 млрд. сўм (12,5%) ва Ангрен 500,9 млрд. сўм (11,7%) шаҳарларига тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Оққўрғон туманида 2,7 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,1%), Бекобод 0,2 млрд. сўм (0,01%) ва Куйичирчик 4,1 млрд. сўм (0,1%) туманларида пастлигини кўриш мумкин.


¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2017 йил 1 декабр ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, %да
		<i>харидор ва буюртма- чилар</i>	<i>етказиб берувчи- ларга ва пудратчи- ларга берилган аванслар</i>	<i>ички идора- вий</i>	
Жами	884,1	837,6	2,1	25,2	20,8
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлиш	1,3	1,3	-	-	0,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	627,4	583,8	0,3	24,8	33,5
Электр, газ, буғ билин таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	223,5	222,7	-	-	22,4
Курилиш	30,9	28,8	1,7	0,4	27,5
Савдо	0,1	0,1	-	-	0,01
Ташиб ва сақлаш	0,9	0,9	-	-	4,5
Бошқалар	0,01	0,01	-	-	-

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2017 йил 1 декабр ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 2420,1 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 56,5 фоизини ташкил қилди.

2017 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги (жамига нисбатан фоизда)



Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги “Ўзкимёсаноат” АҚ корхоналари – 931,2 млрд. сўм (38,5%), “Ўзбекэнерго” АЖ – 726,6 млрд. сўм. (30,0%), Олмалиқ КМК – 349,6 млрд. сўм (14,4 %), “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХҚ – 307,0 млрд. сўм (12,7 %).

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиши Олмалиқ КМК - 294,1%га (230,8 млрд.сўм), “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХҚ – 14,8 марта (286,3 млрд.сўм), “Ўзвиносаноатхолдинг” Компанияси - 134,8 %га (16,1 млрд.сўм), “Ўздонмаҳсолот” АҚ - 108,8%га (2,1 млрд.сўм) кузатилди.

Дебитор қарздорлик “Ўзбекэнерго” АЖ - 43,4% га (947,7 млрд.сўм.), АО “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ - 33,4% га (3,6 млрд.сўм) камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва худудларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолмоқда.


2017 йил 1 декабрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 7357,2 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 741,7 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 10,1 %ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2016 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиширганимизда 10,5 марта ошган, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 79,2% ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2017 йил 1 декабрь ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 4934,7 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 67,1%ни ташкил қиласди, шу жумладан муддати ўтган – 681,6 млрд. сўм ёки мос равишда 91,9%.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 9,7 марта ўси, шу жумладан “Ўзкимёсаноат” АҚ – 9675 мартаға вилоят бўйича жами муддати ўтган кредитор қарздорликнинг 91,9% ташкил этади.

2017 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги
 (жамига нисбатан фоизда)



2017 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби


	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	Бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фонdlарига тўловлар	ички идора- вий	
Жами	733,7	697,8	4,0	1,3	7,0	10,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	681,6	649,6	4,0	1,3	7,0	18,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	51,9	48,1	-	-	-	2,3
Курилиш	0,1	0,1	-	-	-	0,05
Ташиб ва сақлаш	0,1	-	-	-	-	0,2

2017 йил 1 декабрь ҳолатига жами кредитор қарздорликнинг дебиторликни ошиши 3071,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторликка нисбатан ошиши

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млрд.сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан фоизда</i>
“Ўзбекэнерго” АЖ	1286,5	1,7м
“Ўзавтосаноат” АК	1246,1	108м
Олмалиқ КМК	87,4	25,0
“Ўздонмаҳсулот” АК	16,3	64,3
“Ўзтрансгаз” АК	15,0	50,8м
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	3,7	2м

Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги



Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Ўзбекэнерго” АЖ 1286,5 млрд.сўмга (1,7м), “Ўзавтосаноат” АК - 1246,1 млрд.сўмга (108м), Олмалиқ КМК – 87,4 млрд. сўмга (25,0%), “Ўздонмаҳсулот” АК – 16,3 млрд.сўмга (64,3 %), “Ўзтрансгаз” АК – 15,0 млрд.сўмга (50,8м), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 3,7 млрд.сўмга (2м) кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсири этиши мумкин.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда кредитор қарздорлик юқори Ангрен шаҳарда 1625,2 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 22,1%), Зангиота 1433,7 млрд. сўм (19,5%) ва Қибрай 935,5 млрд. сўм (12,7%) туманларига тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Оққўрғон туманида 8,8 млрд. сўм (вилоят бўйича жами кредитор қарздорликнинг 0,1%), Бекобод 4,3 млрд. сўм (0,1%) ва Паркент 5,6 млрд. сўм (0,1%) туманларида пастлигини кўриш мумкин.